O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 13 (9.357) 2000 йил 31 январь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

## МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ



Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг шиддат билан ривожланиб бориши, турли жабҳаларда кўплаб ютуқларни қўлга киритиши ва халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллашида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар дипломатларининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Яқинда Президент Ислом Каримов Фармонига биноан, Ўзбекистон билан сиёсий, иқтисодий, маданий, гуманитар ва бошқа соҳалардаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси, бу йўлдаги масъулиятли хизмати ва самарали меҳнати учун қатор давлатларнинг мамлакатимиздаги элчилари "Дўстлик" ордени билан тақдирланган эди. 28 январь куни Оқсарой қароргоҳида Президентимиз АҚШ, Буюк Британия, Германия, Исроил, Жанубий Корея, Миср, Туркия, Франция, Хитой ва Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиларига ана шу юксак мукофотларни тантанали равишда топширди.

Ислом Каримов бу юксак мукофотлар дипломатларнинг халқларимиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг демократия ва бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган ислоҳотлар йўлидан жадал одимлаши ва иқтисодий салоҳияти ошиши учун муайян лойиҳаларни амалга ошириши, миллатлар ўртасида дўстлик ва бирбирига ишонч туйғуларини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссалари учун тақдим этилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти элчилар ўз мамлакати сиёсатининг ижрочилари эканлигини, бу сиёсат эса ўша давлатларнинг манфаатлари ва Ўзбекистонга муносабатини ўзида мужассам этганлигини яхши тушунишини айтди. Лекин сизнинг хизматингиз фақат ўша сиёсатнинг ижро этувчиси эканлигингиз учунгина эмас, балки айни пайтда унинг шакллантирувчиси ҳам бўлганликларингиз учун улкан хизмат саналади. Кўп ўзгаришлар сизнинг куч-ғайратингизга, шижоату матонатингизга боғлиқ, деди Ислом Каримов.

Президентимиз элчиларнинг оддий инсон сифатида мамлакатимиз ва халқимизга қандай муносабатда бўлаётгани, тарихимиз, маданиятимиз ва одамларимиз менталитетига қай даражада тушуниш ва ҳурмат билан қарашига ҳам кўп нарса боғлиқ эканлигини ва Ўзбекистон аҳли дипломатларнинг юртимизга ва халқимизга эҳтиромини юксак қадрлашини таъкидлади.

Маросимда сўз олган Франция элчиси Жан-Клод Ришар эндиликда "Дўстлик" ордени уни янада кўпроқ ва самаралироқ ишлашга ундашини таъкидлади. Унинг асосан ўзбек тилида сўзлагани ва Ўзбекистонга равнақ, Ўзбекистон – Франция муносабатларига ривож тилагани йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Бундай юксак мукофот шараф ва ифтихор бағишлашини қайд этган туркиялик дипломат Умур Апайдин мамлакатимиз эришаётган ютуқлар Туркия халқининг ҳам ғурурини оширишини айтди. Туркия Ўзбекистонни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кўмаклашишда давом этаверади, деди у.

Миср элчиси Мамдуҳ Шавқий ўз мамлакати халқи ва ҳукумати номидан юксак мукофот учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирар экан, фаолияти давомида икки давлат дипломатлари учун Мисрда ҳам, Ўзбекистонда ҳам ишлаш анча қулай, деган хулосага келганини айтди. Бу мамлакатларимиз ва халқларимизнинг муштарак жиҳатлари кўплигидандир, деди у. Ўйлайманки, мазкур орден ўзаро муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

Япония ҳамда Жанубий Корея элчилари ва шахсан ўз номидан миннатдорлик билдирган Хитой элчиси Ли Цзинсян, бу мукофот нафақат ўзимизга, балки бизга шарафли ва масъулиятли вазифани юклаб, бу ерга вакил қилиб юборган мамлакатларимизга, халқларимизга ҳам тегишли деб ҳисоблаймиз, деди. У юксак нишон билан мукофотланган ҳамкасбларини қутлар экан, Ўзбекистон раҳбариятини ишонтириб айтамизки, "Дўстлик"ка муносиб бўламиз ва бундан буён ҳам икки томонлама алоқалар ривожи учун бор куч-ғайратимизни сарфлайверамиз, деди.

*(ЎзА)*

***СУРАТДА:** тантанали маросимдан лавҳа.*

***Абдувоҳид Тўраев (ЎзА) олган сурат.***

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИГА "ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ" МАҚОМИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватан ва миллат тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатган жадид зиёлиларимизнинг буюк хизматларини эътироф этиш, тарихий ҳақиқатни тиклаш, ёшлар қалбида истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини тарбиялаш, умуминсоний ва миллий илм-фан қадриятларини авлодлар онгига теран сингдириш, Тошкент Давлат университетининг азалий юксак мавқеини ўз жойига қўйиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Тошкент Давлат университети, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси, Маърифатпарварлар ва Тарихчилар жамиятлари, Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси ва бошқа бир қанча жамоат ташкилотларининг тарихий ҳужжатларга асосланган хулоса ҳамда таклифларини инобатга олиб, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетининг асосчилари жадид зиёлилари, унинг ташкил этилган санаси эса 1918 йил 12 май деб белгилансин.

2. Тошкент Давлат университетининг нафақат республикамизда, балки минтақамизда ҳам биринчи замонавий олий таълим муассасаси эканини, олимлар ва ўқитувчилар жамоасининг фан ва таълим соҳасидаги юксак салоҳиятини, Ўрта Осиё давлатларида таълим ва илмий-тадқиқот тизимини шакллантиришдаги муҳим ўрни ҳамда халқаро нуфузини назарда тутган ҳолда унга "Миллий университет" мақоми берилсин ва у Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети деб аталсин.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон Миллий университетининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ёшлар қалбида истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини камол топтириш, уларни мустабид тузум йилларида қатағон қилинган фидойи ватандошларимиз хотирасига ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, халқимизнинг бебаҳо илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш;

жамиятнинг илмий-маданий салоҳиятини юксалтириш, аҳоли ўртасида илмий қадриятларни тарғиб қилиш, ёшларнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш;

миллий университет таълим тизимини илғор илм-фан ютуқлари асосида такомиллаштириш, мамлакатимиздаги барча университетлар учун ўқув, илмий-услубий, маънавий-маърифий масалалар юзасидан таянч ҳамда етакчи олий таълим муассасаси сифатида фаолият кўрсатишига эришиш;

жаҳон андозаларига мос фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, фаннинг муҳим соҳалари бўйича янги илмий мактабларни шакллантириш ва улар фаолиятининг давомийлигини таъминлаш, ривожланган мамлакатларнинг университетлари билан илм-фан ва олий таълим соҳасида ўзаро тенг манфаатли ҳамкорликни янада кенг йўлга қўйиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддат ичида мазкур Фармоннинг бажарилиши юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 28 январь.

## ТОШКЕНТДА НАВОИЙХОНЛИК КУНЛАРИ



*9 февралда Алишер Навоий таваллуд топган кунга 559 йил тўлади.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида улуғ бобомиз Алишер Навоийнинг миллатимиз маданияти ва маънавиятидаги буюк хизматларини эътироф этар экан, мумтоз шоиримиз ижодий меросини ҳозирги авлод томонидан чуқур ўрганишнинг жуда катта аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Шуни ҳисобга олган ҳолда Тошкент шаҳар ҳокимлиги 1–10 февралда пойтахтда адабиётимиз асосчиси туғилган кунга бағишлаб Навоийхонлик кунларини ўтказиш тадбирлар режасини тасдиқлади.*

*Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Эркин Эрназаров билан суҳбатимиз ҳам пойтахтда Навоийхонлик кунлари доирасида ўтказилиши мўлжалланаётган тадбирлар хусусида бўлди.*

**– Улуғ бобомиз таваллуд топган кунда анъана бўйича "Ғазал мулкининг султони"га эҳтиром пойтахтимиздаги Миллий боғда ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали пойига гулдасталар қўйиш билан бошланар эди...**

– Бу йил ҳам ана шу анъана асосида 9 февралда асосий тантаналар шу ерда бўлиб ўтади. Шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда кенг жамоатчилик иштирокида Алишер Навоий туғилган куннинг 559 йиллигини катта тантаналар билан нишонлайди.

Бу йил улуғ бобомизга иззат-икром кўрсатиш бутун кун бўйи давомида бўлади. Шоир ҳайкали пойида 9 февраль кун давомида Навоийхонлик мушоираси бўлиб ўтади. Ғазалхонликда таниқли шоирларимиз билан бир қаторда ҳаваскор ижодкорлар ҳам қатнашадилар. Бу ерда кун давомида санъат усталари ҳамда ҳаваскор жамоалар Навоий шеърларига битилган қўшиқларни ижро этадилар. Шоир ҳайкалига гулдасталар қўйиш учун кун бўйи пойтахтдаги барча туманлар корхона ва ташкилотлари, муассасалари, ўқув юртлари вакиллари келишади.

**– Эркин Мадиёрович, Тошкентда Навоийхонлик кунлари биргина Миллий боғдаги тадбирлар билан чекланиб қолмас?**

– Албатта. Пойтахтда Навоийхонлик кунларини ўтказиш юзасидан Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. Тўлаганов томонидан тасдиқланган тадбирларда жуда кўп режалар белгиланган. 9 февралда Навоийхонлик мушоираси Адабиёт музейи ёнидаги Шоирлар хиёбонида ҳам бўлиб ўтади. Унинг иштирокчилари бу ердаги Алишер Навоий пойига гулдасталар қўядилар.

Шаҳардаги ҳар бир туманда 1–10 февраль кунлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда Навоийхонлик мушоираларини ўтказиш кўзда тутилмоқда. Бунинг учун энг таниқли шоирларимиздан иборат 6 та ижодий гуруҳ ташкил этилган. Улар таркибида Эркин Воҳидов, Барот Бойқобилов, Муҳаммад Юсуф, Жуманиёз Жабборов, Йўлдош Сулаймон, Ойдин Ҳожиева каби шоирларимиз борлиги бу мушоиралар нуфузидан далолат бериб турибди.

Айни пайтда шаҳардаги маданият уйлари, кутубхоналарда Алишер Навоий ижоди ва фаолиятига бағишланган кечалар ташкил этилади. "Тошкиновидео" жамияти 1–10 февраль кунлари пойтахт кинотеатрларида улуғ шоиримизга бағишлаб яратилган бадиий ва ҳужжатли фильмлар фестивалини ўтказади.

"Туркистон" санъат саройида 5 февралда "Ўзбекнаво" бирлашмаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда Алишер Навоий ижоди асосида "Одамийлик ва муҳаббат қўшиқлари" адабийлаштирилган кечасини ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Бадиий академияси эса "Алишер Навоий – ўзбек рассомлари ижодида" суратлари кўргазмаларини ташкил этиш чора-тадбирларини кўрмоқда.

**– Президентимиз Алишер Навоий ижодини ёшларимиз томонидан ўрганишнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратдилар. Шаҳар ўқув юртларида бу масалада қандай тадбирлар ўтказилиши кўзда тутиляпти?**

– Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳам, шаҳар Халқ таълими ва Ўрта махсус касб ҳунар таълими бошқармалари ҳам 9 февраль куни пойтахтдаги барча ўқув юртларида биринчи дарсни "Навоий дарси" сифатида ўтказиш таклифини қўллаб-қувватладилар.

Биз шаҳардаги барча умумтаълим мактабларида "Навоийни ким яхши билади?" мавзуида кўрик-танловлар ўтказишга қарор қилдик. Бу кўрик-танловлар 1–5 февраль кунлари мактаблар, 7 февраль куни туманлар, 8 февраль куни эса шаҳар миқёсида бўлиб ўтади.

Барча ўрта махсус ўқув юртларида эса "Навоий ижодида илм ва ҳунар ўрганиш" мавзуси деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтади.

Республикамиздаги барча миллат ва элат вакиллари Алишер Навоийни ўзларининг энг севимли шоирлари деб биладилар. Шу боис ҳам республика Байналмилал маданият маркази 7 февралда "Алишер Навоий ижодининг жаҳон маданиятида тутган ўрни" мавзусида нуфузли анжуман ва кеча ўтказишни мўлжаллаган. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида эса улуғ шоиримиз адабий меросини ўрганишга бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтади.

Тошкент шаҳридаги ҳар бир туман ҳокимлиги ҳам Навоийхонлик кунларини ўтказиш юзасидан ўз тадбирларини ишлаб чиққан.

Бир сўз билан айтганда, улуғ бобомиз таваллуд топган куннинг 559 йиллигига бағишлаб Тошкентда ўтказиладиган Навоийхонлик кунлари ўзбек адабиёти асосчисини эъзозлаш байрамига, Мустақиллик шарофати билан тикланган ва равнақ топаётган маданиятимиз ва маънавиятимиз байрамига айланади.

***Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги матбуот гуруҳи.***

## ЎЗБЕКИСТОН — ЖАННАТ МАКОНИМ

*Ўзбекистон тенгсиз жаннат маконим,*
*Оламаро донғи кетган диёрим.*
*Заковатли этди сени худойим,*
*Кўз тегмасин халқим сенга илойим.*

*Тупроғингда уламолар ҳоки бор,*
*Улар руҳи доим сенга мададкор.*
*Темурзода Йўлбошчинг ҳам токи бор*
*Азиз номинг бўлур мудом улуғвор.*

*Курашингни жаҳон аҳли тан олди*
*Мардлигингга ўзга юрт қойил қолди.*
*Маърифатдан тарих қайта уйғонди*
*Истиқлолинг кўриб эллар шодланди.*

*Қани кўрса Темур бобом бу ҳолни,*
*Ўзи кутган тенглик, нурлик оламни.*
*Дерди у зот: "Эъзозланг сиз давронни,*
*Кўз тегмасин, авайланг ҳур замонни.*

*Элга сарбон Йўлбошчига сўзим бор,*
*Билдимки у толмас, қўрқмас мардивор.*
*Омон бўлсин эл бахтига улки бор,*
*Хотиржамман, бўлур обод бу диёр.*

*Қилолмаган юмушларим ул қилибдур,*
*Олам аро туркий тилни ҳур этибдур.*
*Не-не буюк фозилларни лол қолдириб,*
*Янги аср китобини ул битибдур.*

*Башоратлик инсон, омон бўлсин доим,*
*У бошлаган нурли йўлга роз худойим.*
*Тилагимни қабул этгил ўзбек элим.*
*Толеингга шул Йўлбошчинг бўлсин доим".*

Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ,
Халқаро муҳандислик академиясининг академиги.

*Тадбирлар*

## ҒОЛИБЛАРГА — ҚИММАТБАҲО СОВҒАЛАР

***Ўтган жума куни "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясига шу тизимнинг етакчи ходимлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари йиғилди.***

Фуқаролар авиациясининг ўзига хос ютуқлари, шу соҳадаги янгиланишлар тўғрисида ҳикоя қилувчи янги ҳужжатли фильм намойиш этилгач, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг бош директори Арслон Рўзметов ютуқларни сарҳисоб қилиб, 2000 йилги режалар билан ўртоқлашди. Дастлаб Соғлом авлод йилига бағишлаб "Ўзбекистон қанотлари" газетаси ташаббуси билан миллий авиакомпаниямиз совринлари учун стол тенниси бўйича ўтказилган мусобақалар ғолиблари тақдирланди. Жамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган "Спорт" газетасининг икки вакили ҳамда шахсий мусобақаларда ғолиб келган "Бирлик" — "Единство" газеталарининг бўлим муҳаррири Александр Силиенковлар хориж мамлакатларидан бирига бепул авиасаёҳатга бориб келиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Иккинчи ўрин соҳиблари — ЎзА ходимлари ва "Спорт" газетасининг бош муҳаррири Ҳайдар Акбаровларга Республика ичидаги қатновларга бепул авиачипталар ажратилди. Учинчи совриндорлар — "Ўзбекистон қанотлари" газетаси вакиллари ва "Спорт" газетаси ходими Абдураҳим Абдураҳмоновларга миллий авиакомпания рамзи туширилган қимматбаҳо совғалар топширилди.

Сўнг фуқаро авиациясини тарғиб қилиш мақсадида ўтказилган ижодий танловга якун ясалди.

***Дилшод ИСРОИЛОВ.***

## ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига унинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганлиги муносабати билан дил изҳори битилган қутловлар келиши давом этмоқда.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида "Кейс-Нью Холланд" корпорацияси директорлар кенгашининг раиси Жан Пьер Россо раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.
- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузасини ўрганишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.
- Республика "Маънавият ва маърифат" маркази вилоятларда мамлакатимз Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясида сўзлаган "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз" маърузасига бағишланган давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар ва учрашувлар ўтказмоқда.
- Вазирлар Маҳкамасида Имом Абу ал-Мотуридий таваллудининг 1130, Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг ҳижрий сана бўйича 910, Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга, шунингдек, Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.
- Тонгги газеталарда Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетининг таъсис санасини ўрганиш бўйича ташаббускор гуруҳ мажлисининг баёни матни эълон қилинди.
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирлик фаолиятининг ўтган йилги якунлари ва галдаги вазифалар муҳокама этилди.
- Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида "Аждодлар маънавий мероси ва бугунги ёшлар" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.
- Косон туманида "Мастердон" Ўзбекистон – Кипр қўшма корхонаси иш бошлади.
- Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг, Ўзбекистон гимназияларининг бир гуруҳ талабалари ва ўқувчилари Германиядан қайтиб келишди. Ушбу сафар халқаро талабалар ва ўқувчилар айирбошлаш доирасида ўтказилди.
- Фарғонада тез тиббий ёрдам кўрсатадиган республика илмий марказининг филиали очилди.
- Республика Киночилар уйида таниқли ўзбек актёри Марям Ёқубова таваллудининг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилди.
- Пойтахтимиздаги "Динамо" спорт мажмуида янги машқ ўтказадиган зал фойдаланишга топширилди.

### ЖАҲОНДА

- **Кеча** АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт икки кунлик расмий ташриф билан Москвага келди. У Владимир Путин ва Игорь Иванов билан учрашади.
- Хорватияда бўлиб ўтган президентлик сайловларида мухолифатдаги коалициянинг икки номзоди – Стиве Месич ва Дражен Будиш нисбатан кўп овоз олдилар. Энди улар 7 февраль куни ўтказиладиган сайловнинг иккинчи босқичида иштирок этадилар.
- **Кеча** Москва билан Ханой ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигига 50 йил тўлди.
- **Кеча** Исроил Бош вазири Эҳуд Барак билан Миср Президенти Ҳусни Муборак ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда Яқин Шарқдаги тинчлик музокаралари хусусида сўз борди.
- Ҳозирги пайтда АҚШда турган Украинанинг собиқ бош вазири П. Лазаренко ўз мамлакатини Халқаро валюта фонди томонидан ажратилган маблағларни ўз ўрнида сарфламаганликда айблади.
- Покистоннинг Карачи шаҳридаги суд биносида портлаш содир бўлди. Камида етти киши жароҳатланди. Шу портлашдан сўнг иккинчи портлаш рўй берди – Карачидаги мачитда кучли бомба портлади. Дастлабки маълумотларга қараганда тўрт киши ҳалок бўлган ва ўн киши жароҳатланган.
- Шанба куни Бельгия Қироли Альберт II нинг умуртқаси муваффақиятли равишда операция қилинди.
- **Бугун** Чилининг собиқ ҳукмдори Аугусто Пиночетнинг охирги тақдири ҳал этилади. Лондон суди Бельгия ва бир қатор халқаро инсонпарварлик ташкилотлари билдирган мулоҳазадан келиб чиққан ҳолда ўзининг сўнгги сўзини айтиши керак. Чилидан Лондонга Пиночетни олиб кетгани махсус самолёт келди.
- Украинадаги Скачинский номли шахтада рўй берган портлашдан зарар кўрган беш нафар working кончининг тақдири ҳанузгача қадар номаълум бўлиб турибди. Портлаш содир бўлган пайтда шахтада 14 киши бор эди. Улардан 9 таси шахтадан олиб чиқилди. Қутқарув ишлари олиб борилмоқда.
- **Кеча** Шри-Ланкада содир этилган террорчилик ҳаракати оқибатида 16 киши жароҳат олди. Коломбога кетаётган автобусда бомба портлади. Ҳеч ким ушбу террорчилик ҳаракатини содир этганликни ўз бўйнига олмаётир.
- **Кеча** ичида 180 нафар йўловчиси бўлган Кения самолёти ҳалокатга учради. Аэропортдан кўтарилган самолет денгизга қулаб тушди. Ҳалок бўлганлар ва қутқариб қолинганлар ҳақида ҳозирча маълумотлар йўқ. Қутқарув ишлари олиб борилмоқда.
- Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти мутахассисларининг ҳисоб-китоблари бўйича дунёнинг энг фаровон яшаётган одамлари Люксембург фуқаролари экан. Америкаликлар эса иккинчи ўринда. Ундан кейин норвеглар, швейцарияликлар, японлар. Россияликлар эса 62 мамлакатдан иборат рўйхатни "якунлар" экан.
- Жаҳонда сабзавот масаллиғини энг кўп ишлатадиган мамлакат – Италия ҳисобланади. Ҳар йили жон бошига истеъмол этиладиган сабзавот миқдори бу мамлакатда 140 килограммни ташкил этади. Финляндия эса бунинг тескариси – у энг кам сабзавот ейдиган мамлакатдир. Бир йилда финлар учун 20 килограмм сабзавот кифоя қилар экан.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI




*Конституциямиз яшамоқда, амал қилмоқда*

# ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИМИЗ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

***Республикамиз Конституциясида эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, почта, телеграф жўнатмалари ва телефон сўзлашувларининг сир тутилишини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, республика ҳудудида эркин кўчиб юриш ҳуқуқи каби фуқаро ва шахсларнинг ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган.***

Конституция билан мустаҳкамланган шахснинг ушбу ҳуқуқ ва эркинликлари қонун билан ҳимоя қилинади, бу эса улардан реал фойдаланиш имкониятини кафолатлайди. Лекин шу вақтнинг ўзида суриштирув олиб бориши даврида баъзи ҳолларда жиноятни очиш ва айбдорни жазолаш учун ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш зарурияти келиб чиқади. Лекин бу чеклаш фақат қонунга асосланиши керак, чунки ҳатто қонундан салгина четга чиқиш ҳам жамоатчиликка салбий таъсир кўрсатади, ўзбошимчалик, ғайриқонунийлик, ман этилган суриштирув чораларини қўллаш ҳоллари эса айбсиз кишини жиноий жавобгарликка тортиш каби салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу масала бўйича Амир Темурнинг қуйидаги сўзларини келтириш мумкин: "Ҳеч нарса оддий инсонларга нисбатан адолатсизлик каби давлат қонуни обрўсини тўкмайди".

Қонун суриштирув органларига жиноят аломатларини ва уни содир этган шахсларни топиш, шунингдек жиноий фаолиятга йўл қўймаслик ва унинг олдини олиш мақсадида зарур жиноят-процессуал ва тезкор қидирув чораларини кўриш мажбуриятини юклайди.

Конституцияда кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликлар қонун билан ҳимоя қилинади, бу эса улардан реал фойдаланиш имкониятини кафолатлайди. Кўп ҳолларда, содир этилган жиноятни очиш ва бунда айбдор шахсларни фош қилиш учун суриштирув органлари баъзи шахсларнинг хоҳиш-иродасига қарши, процессуал мажбурлов чораларини қўллаш билан жиноят-процессуал фаолиятни амалга оширадилар. Процессуал мажбурлов чораларига гумон қилинувчини ушлаб туриш, тинтув, гувоҳлантириш, мажбурий келтириш ва бошқалар киради. Лекин жиноят процессида мажбурлов доираси чегарасиз эмас. Жиноят-процессуал фаолият давомида барча мажбурлов чораларини қўллаш шахсни ҳурмат қилиш принципи асосида жиноят процесси доирасига жалб қилинадиган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш принципига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширилиши лозим. Суриштирув органлари жиноят-процессуал қонунда назарда тутилган мажбурлов чораларини жиноий суд ишларини юритиш вазифаларини амалга ошириш учун зарур бўлганда ва уларни қўллашнинг қонунда белгиланган тартибга қатъий риоя этган ҳолдагина қўллашлари лозим.

Жиноий фаолиятни бартараф этиш, қочиб кетишга йўл қўймаслик, далилларни яшириш ёки йўқотилишининг олдини олиш мақсадида суриштирув органлари томонидан ушлаб туриш, яъни жиноят содир этишда гумонланаётган шахснинг қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилиш тез-тез қўлланилади. Баъзи ҳолларда, шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этилишга жалб қилиш учун етарли бўладиган далиллар йиғилишига эришилмаган бўлса, лекин ушлаб туриш асос ва мотивлар ўзгармаган бўлса, суриштирувчи эҳтиёт чораси сифатида гумон қилинувчини қамоққа олиши мумкин. Ушлаб туриш ёки эҳтиёт чораси сифатидаги қамоққа олиш фақатгина иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш ва гумон қилинувчининг тергов ҳаракатларида иштирокини таъминлаш мақсадида қўлланилиши мумкин. Ушбу чораларни тергов изолятори ва вақтинчалик ушлаб туриш жойларида гумон қилинувчининг айбини бўйнига олишга эришиш мақсадида чидаб бўлмайдиган шарт-шароитларни вужудга келтириш учун ишлатишга йўл қўйилмайди. Чунки, гумон қилинувчининг ўз айбини бўйнига олиши мажбурий эмас, балки ихтиёрий бўлиши керак. Гумон қилинувчи унга қўйиладиган гумон ва бошқа ҳолатлар бўйича кўрсатма бериш мажбуриятига эга эмас, бу унинг ҳуқуқидир. Гумон қилинувчига кўрсатма бериш, жиноятга алоқаси йўқлигини исботлаш мажбурияти юклатилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари шахс дахлсизлигининг кафолатидир. Конституциянинг 25-моддасига кўра ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас. Агар суриштирувчи шахсни жиноят содир этганликда гумон қилиш учун асослар бўлмаган ҳолда уни ушлаб турса ёки унга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўлласа, жиноят кодекси 234-моддасига кўра ноқонуний ушлаб туриш ёки қамоққа олганлик учун жавобгар бўлади. Агар суриштирувчи кўрсатма бериш давомида гумон қилинувчи, гувоҳ, жабрланувчи ёки экспертга руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатган бўлса (масалан: сўроқ қилинаётган жиноятга нисбатан оғирроқ жиноят учун жавобгарликка тортиш билан қўрқитиш, қамоқда ушлаш шароитини ёмонлаштириш, сўроқ давомида гипнозни қўллаш, қамоққа олинган шахсга овқат бермаслик, жисмоний оғриқ келтириб чиқарувчи ҳаракатларни содир этиш, уларни қийнаш, (дўппослаш), сўроқ қилинаётган шахснинг индивидуал хусусиятига таъсир этадиган сўроқ қилишининг алоҳида (махсус) ҳолатларини вужудга келтириш) ЖК 235-моддасига кўра "кўрсатув беришга мажбур қилиш" бўйича жавобгарликка тортилади.

Уй-жой дахлсизлиги конституцион ҳуқуқини фақатгина агар уй-жойда жиноий иш учун аҳамиятли предмет ва далилий ҳужжатлар борлиги тўғрисида маълумот мавжуд бўлганида, тинтув ўтказиш чоғида чеклаш мумкин. Тинтув ўтказиш чоғида суриштирувчи тинтув ўтказилаётган уй эгаси шахсий ҳаётига оид аниқланган ҳолатларни ошкор қилмаслик чораларини кўриши шарт.

Ҳеч ким, шунингдек суриштирув органи ҳам, қонуний асосларсиз уй эгаси хоҳишига хилоф равишда уй-жойга киришга ҳақли эмас. Бу Конституцион норма ЖК 142—моддаси билан муҳофаза қилиниб, уй-жой дахлсизлигини бузганлик учун жиноий жавобгарликни белгилайди.

Конституциядаги сингари (116-модда) ҲПК да ҳам (24-модда) гумон қилинувчининг ҳимоя ҳуқуқи белгиланган. Бундан кўриниб турибдики, гумон қилинувчининг ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланиш асос ва воситалари жуда мустаҳкам ва бу гумон қилинувчи шахснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга одил суд вазифаларининг муваффақиятли амалга оширилиши, суриштирувнинг тўғри олиб борилиши ҳамда иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга хизмат қилади.

Ҳимоя ҳуқуқи суриштирувчининг гумон қилинувчига унинг ҳуқуқларини тушунтириши ҳамда гумон қилинувчи қонунда белгиланган ҳимоянинг барча усул ва воситаларидан фойдаланиш имкониятини яратиб бериш чораларини кўриш билан таъминланади.

Суриштирув органи айбсизлик презумпциясидек муҳим Конституцион тамойилини эътибордан четда қолдириши мумкин эмас. Бу тамойил Конституциянинг 26, ЖПКнинг 23-моддалари билан мустаҳкамланган бўлиб, унда: "Жиноят содир этганликда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунча ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади" дейилган. Бу эса гумон қилинувчи ўзининг айбсиз эканлигини исботлаб беришга мажбур эмаслигини билдиради. Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи фойдасига ҳал қилиниши лозим, шунингдек қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг фойдасига ҳал қилинади. Гумон қилинувчининг исботланмаган айби унинг айбсиз эканлигини билдиради.

***Бахтиёр ҲИДОЯТОВ,***
***Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси.***



**Сергели туманидаги "Файз холдинг" компанияси қошида фаолият кўрсатаётган "ИМПЭКТ Фернии ЛТД" қўшма корхонасида аҳоли талаблари даражасида маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.**
**СУРАТДА: корхонанинг моҳир тикувчиларидан Гули Жамолова ҳамда Санобар Тожибекова иш устида.**
**Рустам Шарипов олган сурат.**

*Нишондорларимиз*

# МЕҲНАТНИНГ ҚАДРИ

***Инсон яшар экан ўтаётган умрига бир-бир назар ташлайди. Ҳаётида ўчмас из қолдирган йилларни эса алоҳида ҳаяжон, завқ-шавқ билан эслайди. Ана шундай дамларни эслаган одам ёшаргандек, қалбидаги истак орзулари рўёбга чиққандек бўлади.***

Ғуломжон ака ҳам ҳаёт, меҳнат фаолияти давомида ҳаяжонли лаҳзаларни, эсда қолар дамларни бир-бир хаёлидан ўтказар экан, "Энг унутилмаси, орзу-умидларини рўёбга чиқаргани ўтган йил бўлгани"ни алоҳида фахр билан сўзлади.

— Ушбу юксак мукофот — "Дўстлик" ордени билан тақдирланганим, албатта биринчи навбатда мустақиллигимиз шарофати, Президентимизнинг барча касб эгаларига алоҳида ғамхўрлигининг намунасидир, — дейди "3-автобус саройи" ҳиссадорлик жамияти ҳайдовчиси Ғуломжон Шамсиддинов. — 40 йил ҳайдовчилик касбини эъзозлаб йўловчиларни ўз манзилларига омон-эсон етказдим. Шу йиллар давомида бирон марта автоҳалокат содир этганим йўқ. Чунки ҳар доим кўнглимда инсонларни — кимнинг отаси, онаси, фарзанди, рафиқасини манзилга беталафот етказиш лозимлигини ўйлардим. Камтарона меҳнатим ўз қадрини топганидан мамнунман.

Ҳа, Ғуломжон ака 40 йил бир жамоада меҳнат қилмоқда. Кимларгадир ака-ука, устоз бўлиб ҳурмат топди. Хоҳ кеча, хоҳ кундуз бўлсин одамлар корига яради. Қайси йўналишда автобус бошқармасин, уни йўловчилар тезда таниб олишарди. Чунки у босиқ, хушмуомала, ҳар бир йўловчининг хожатини чиқаришга интилади.

Ғуломжон ака болалигидан ҳайдовчиликка ҳавас қилди. Мактабда ўқиб юрган даврларида дарсдан сўнг таниш ҳайдовчиларга кўмаклашиб юриб, анча нарсани ўрганди. 10-синфни битиргач эса ҳайдовчилик курсида таҳсил олди. Сўнгра армия хизматига отланди. У ердан ҳам касбга бўлган қизиқиши бойиб 1-класс ҳайдовчиси бўлиб қайтди. 3-4-ой пайвандчи бўлиб ишлагач, уни ҳайдовчиликка ўтказишди. Ўтган йиллар давомида у қанча йўлларни босиб ўтмади, минглаб одамлардан миннатдорчилик сўзлари эшитди, юзлаб шогирдлар етиштирди. Ҳар доим сурати корхона "Ҳурмат тахтаси"дан тушмади, байрам ва тантаналарда Фахрий ёрлиқлар, ташаккурномалар, пул мукофотлари олди. Лекин у ҳамиша юксакликка яхши ният билан интилди.

— Ғуломжон ака ҳақиқатан ҳам юксак мукофотга лойиқ инсон, — дейди корхона раҳбари Мухтор Йўлдошев. — Унга "Дўстлик" ордени берилганида барчамиз чин дилдан қувондик. Чунки ўзининг меҳнати, одамларга муносабати, оиладаги, маҳалладаги ўрни билан ҳақиқатан ҳам муносиб одам. Шунинг учун ҳам унинг ютуғидан бутун жамоа бирдай қувонди.

Ғуломжон Шамсиддинов 11 йилдан буён "Эски жўва — Руҳий касалликлар шифохонаси" йўналиши бўйлаб қатновчи 109-автобусни моҳирлик билан бошқариб, одамлар манзилини яқин этмоқда. 15 бекатни ўз ичига олган 7,5 километрли масофага у кунига 16 марта бориб, қайтиб келади. У ҳамиша график асосида ишлайди ҳамда автобуси ҳар доим соз ҳолда йўлга чиқади. Чунки уни ўз манзилига шошилаётган талабаю ўқувчи, турли касб эгалари кутиб турганлигини унутмайди. Автобуснинг "тиқ" этган товушидан нима гаплиги унга аён бўлади.

Оилада эса меҳрибон ота бўлган Ғуломжон ака турмуш ўртоғи Нафиса ая билан бир қиз, 4 ўғилни тарбиялаб вояга етказди. Буни қарангки 4 ўғил — Олимжон, Ҳасан, Ҳусан, Тоирлар ҳам бугун ота касбининг усталари, халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлашмоқда. Маҳаллада эса Ғуломжон Шамсиддинов барча ишларга бош-қош. У ўзи яшаётган Собир Раҳимов туманидаги "Истиқлол" маҳалласининг фаолларидан бири саналади.

Ғуломжон Шамсиддинов бошқараётган бригада аъзолари янги йилни зиммасидаги режаларни ортиғи билан уддалаган ҳолда кутиб олдилар. Чунки бригадирнинг ўзи меҳнатда ўрнак, ёшларга устозлик қилмоқда. Улар 2000 йилда йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш ниятидалар.

— Йилимиз қутлуғ, баракали бўлсин, — дейди "Дўстлик" ордени соҳиби. — Бугун биз ўғил-қизларимизга ўрнак бўлсак, эртага улар изимиздан юради. Демак, ёш, соғлом авлоднинг камоли юртимизни янада равнақ топишига муносиб улушдир. Йўлларимиз ҳамиша равон, дилларимиз эса чароғон бўлсин.

Янги йилда ҳам сизнинг йўлларингиз ҳамиша дилингиз каби оқ бўлсин, Ғуломжон ака!

**Шарифа ИЛЁСОВА.**



**СУРАТДА: Ғуломжон Шамсиддинов.**
**Даврон Аҳмад олган сурат.**

*Шарҳчи сатрлари*

# ЯҚИН ШАРҚ. ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА

***Шу кунларда Америка Қўшма Штатларида Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш бўйича музокаралар бошланиши керак эди. Бироқ, минтақада тинчлик ўрнатиш бўйича режаланган олий даражадаги музокаралар қолдирилган. Исроил Бош вазири Ёҳуд Барак Вашингтонда Сурия ва Фаластин раҳбарлари билан алоҳида ҳолда учрашиши лозим эди. Лекин маълум бўлишича, бу сафар ҳам кейинга қолдирган.***

Гарчи ўтган йилнинг декабрь ойида, қолаверса, шу йилнинг 3 январида Исроил ва Сурия ўртасида икки бора тинчлик музокаралари бўлиб ўтган бўлсада, бу музокаралар ўзининг ҳеч қандай натижасини бермади. Музокараларга воситачилик қилаётган АҚШ Президенти Билл Клинтон музокараларда олға силжишлар кузатилмаётган бўлсада, ҳар икки томоннинг бир-бирига бўлган ишончи ортиб бормоқда, деб таъкидлаган эди. Бироқ, кузатувчиларнинг тахмин қилишларича, Исроил билан Сурия ўртасидаги зиддият кучайиб бораётгани аниқ.

Музокаралардаги асосий мавзу Жўлон тепаликларини Сурияга қайтариб беришдир. Лекин Исроил маъмурияти ҳозирча тепаликлардан ўз қўшинларини олиб чиқишга тайёр эмаслигини маълум қилмоқда. Эслатиб ўтамиз, Исроил Сурияга қарашли Жўлон тепаликларини 1967 йилда босиб олган эди. Мана шу ўтган вақт давомида Жўлон тепаликларида яхудийлар учун кўпинча турар жойлар қурилди.

Бугунга келиб, мазкур минтақада яшаётган яҳудийлар сони 17 минг кишидан ошиб кетган. Сурия Исроилдан Жўлон тепаликларини қайтариб беришини талаб қилар экан, ўз навбатида Исроил ҳукумати тепаликдан ўз қўшинларини ва яҳудийларни олиб чиқиш қиммат лойиҳа эканини баён этмоқда. Қолаверса, бу ерда яна бир муҳим муаммо мавжуд. Яъни Исроил ўз қўшинларини стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган Жўлон тепаликларидан олиб чиқса, Сурия Исроилнинг хавфсизлигини таъминлай оладими? Исроил музокараларда айни муаммони расмий Дамашқдан кўриб чиқилишини талаб қилмоқда.

Агар ҳар икки томон мазкур масала хусусида бир тўхтамга келиша олмас экан, у ҳолда минтақага халқаро тинчликни сақлаш кучларини киритиш эҳтимолдан ҳоли эмас. Ҳозирча музокаралар боши берк кўчага кириб қолган экан, Сурия оммавий-ахборот воситаларини писсимистик кайфият чулғаб олмоқда. Сурия матбуотининг ёзишича, Исроилнинг марҳум Бош вазири, Нобель тинчлик мукофотининг соврindори Исҳоқ Рабин Жўлон тепаликларини Сурияга қайтариб берилишига ваъда берган. Бироқ, Рабин 1995 йилда яҳудий террорчиси томонидан отиб ўлдирилади. Ўша пайтда сайловларда ғалаба қозониб, ҳукумат тепасига келган Беньямин Нетаньяху Сурия билан тинчлик музокараларини тўхтатиб қўяди.

Мана орадан 4 йил вақт ўтди. Ўтган йилнинг 17 майида ўтказилган парламент сайловларидан сўнг Бош вазирлик лавозимига ўтирган Ёҳуд Барак барча уч йўналишда тинчлик музокараларини бошлашини эълон қилди. Биринчи йўналиш Исроил – Фаластин, иккинчиси Исроил – Сурия, ва ниҳоят, учинчиси, Исроил – Ливан йўналишларидир. Аҳоли ўртасида ўтказилаётган сўровларга кўра, исроилликларнинг аксарияти Жўлон тепаликлари Сурияга қайтариб берилишини хоҳламайди. Ҳаттоки, Ёҳуд Барак коалициясига кирган вазирлар маҳкамасининг кўпгина аъзолари ҳам Жўлон тепаликлари қайтарилишига умуман қарши.

Кузатувчиларнинг фикрича, Исроил билан Сурия ўртасидаги музокаралар муваффақиятли давом этса, бу ҳол Ливан йўналишида музокаралар бошланишига ва Исроилнинг шимолий қўшнилари билан муносабатлари яхшиланишига туртки бўлиши мумкин. Афсуски, ҳозирча Яқин Шарқ тинчлик музокаралари боши берк кўчада.

Куни кеча Фаластин ва Исроил ўртасидаги тинчлик музокараларининг Иордан дарёсининг ғарбий қисмидан Исроил қўшинларини олиб чиқишга бағишланган учинчи босқич мулоқотлари боши берк кўчага кириб қолган. Исроил ва Сурия тинчлик музокараларининг иккинчи босқичи бошланган пайтда Исроил ғарбий қирғоқнинг 5 фоизидан ўз қўшинларини олиб чиққан ва бугунга келиб, фаластинликлар қирғоқнинг 40 фоиз ҳудудини ўз назорати остига олганлар. Кеча Исроил Бош вазири Ёҳуд Барак кутилмаганда, фаластин раҳбари Ёсир Арофат билан юзма-юз учрашган. Тахминларга кўра, фаластинликлар Исроил – Сурия музокараларидаги муаммолар Исроил ва Фаластин тинчлик жараёнига дахл қилишидан хавотирдадир. Эслатиб ўтамиз, Исроил ва Фаластин тинчлик жараёнларининг ривож топишига 1993 йил Ослода имзоланган битимлар сабаб бўлган эди.

Шуни қайд қилиш керакки, Ослода эришилган аҳдномалар орқали Яқин Шарқда бир мунча ижобий вазият юзага келган. Исроилни давлат сифатида ер юзидан супуриб ташлашни ўз партиявий уставига киритган Фаластин Озодлик Ташкилоти Исроилни давлат сифатида тан олди. Фаластин ҳудудида биринчи маротаба президентлик ва парламент сайловлари бўлиб ўтди. Исроил ва кўпгина араб мамлакатлари ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Хусусан, 99 йил охирига келиб, Мавритания Араб-Исроил урушидан кейин биринчи бор Исроил билан дипломатик муносабатлар ўрнатганини эълон қилди. Икки томон ўртасидаги, яъни Фаластин ва Исроил ўртасидаги якуний тинчлик битимлари шу йилнинг сентябрига қадар имзоланиши керак. Мана шу борадаги муаммолардан бири Қуддус мақоми мавзусидир. Ярим асрдан ошдики, Қуддус мақоми борасидаги тортишувлар давом этаётир. Афсуски, БМТ Бош Ассамблеяси 1947 йил 29 ноябрда Фаластин ерларини учга тақсимлаш ҳақида резолюция чиқарган бўлишига қарамай, Исроил вакиллари ҳамон Қуддусни Исроилнинг абадий пойтахти деган даъволаридан воз кечишмаяпти. Қарорга кўра, Қуддус ҳар икки давлатдан мустақил ҳолда бетараф қурол-яроғсиз халқаро бошқарув остида бўлиб, БМТ маъмурий ҳокимни, хизматчиларни ва полициячиларни Фаластин ва Исроил халқидан бўлмаган бошқа миллат вакилларидан тайинлаши керак эди. Қуддус мақоми масаласи ҳал қилинмас экан, Яқин Шарқда умумий тинчлик ўрнатиш борасида гапирмаса ҳам бўлади. Икки томон ҳозирча бу масалада олға силжишларга тайёр эмас.

Яқин Шарқдаги яна бир йўналиш Исроил – Ливан тинчлик жараёнларидир. Ҳозирча Исроил ва Ливан ўртасидаги музокаралар ўлик нуқтада. 1978 йилнинг мартида Исроилнинг Ливанга қарши юриши туфайли мамлакатнинг жанубий минтақаларини босиб олиб, бу ерда "хавфсизлик зонаси" деган ҳудуд яратади. Ливан ҳудудининг тўртдан бир қисмига яқини Исроил қўшинлари назорати остига олинади. Исроил 1985 йилнинг бошларида ўз қўшинларини Ливан ҳудудидан қисман олиб кета бошлади. Ҳозирги вақтда у Ливаннинг салкам ўн километр кенгликдаги жанубий ҳудудини назорат қилиб турибди. Бу икки мамлакат ўртасидаги тинчлик музокаралари қачон бошланади, бу ҳозирча номаълум. Авваламбор, бу йўналишда музокара бошлаш учун Исроил – Сурия, Исроил – Фаластин ўртасидаги тинчлик музокаралари ижобий якун топиши лозим. Хуллас, Яқин Шарқ минтақасида асримизнинг сўнгги кунигача умумий тинчлик ўрнатиб бўлмаса керак.

**Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,**
**сиёсий шарҳловчилар.**

